

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА КИШЛОК  
ХУЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**Хаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси  
«Ёнгин – портлаш хавфсизлиги асослари» фанидан**

**ТАКДИМОТ**

**Мавзу: Ёнгинга карши тусиклар ва пардалар.  
Ёнгинга карши девор ва захира эшиклариға  
куйиладиган талаблар.**

**Режа:**

1. Ёнгинга карши тусиклар. Уларнинг вазифаси ва турлари.
2. Ёнгинга карши тусикларни жойлаштириш ва лойихалаш.
3. Ёнгинга карши деворларга куйиладиган меъёрий хужжатларнинг талблари.
4. Ёнгинга карши парда.
5. Захирадаги чикиш йуллари тушунчаси.

- ✖ Ёнгинга карши тусикларнинг вазифаси. Умумий ва маҳмий ёнгинга карши тусиклар.
- ✖ Ёнгинга карши тусиклар деганда - ёнгинларнинг таркалишини маълум бир курсатилган вактга чеклайдиган хамда меъёрий талабларга жавоб берувчи барча конструктив ёки хажмий режалаштириш ечимларини тушунамиз. Уларнинг асосий вазифаси хоналардаги ёнгинни бошка хоналарига таркалишини олдини олиш.
- ✖ Ёнгинларни чеклаш максадида биноларга ёнгинга карши тусикларни куйидаги турларини урнатиш кузда тутилади:
  - ✖ -умумий;
  - ✖ -маҳаллий.
- ✖ Умумий тусиклар - биноларнинг хоналардаги ёнгинни хоналардан- хоналарга, каватлардан каватларга таркалишини чеклашга мулжалланган (масалан, ёнгинга карши девор, тусиклар, ораёпмалар, бинолар орасидаги масофалар ва бошкалар);

- ✖ Махаллий тусиклар - ёнгин конструкция ёки уларнинг бушликлари, тукилган суюкликларнинг юзаси оркали таркайдиган ёнгинни чеклашга мужалланган (масалан, бортиклар, дренажлар, диафрагмалар, тусиклар ва х-к.).
- ✖ Купинча ёнгинга карши тусиклар уларда турли тешик ва тиркишлар мавжуд булгани сабабли уз вазифасини бажара олмайди. Талаб этилган химоя булмаса, ёниш маҳсулотлари, катор холларда эса аланга хам күшни хоналарга таркалади.
- ✖ Ёнгин сифатсиз терилган девор орасидаги тиркишлар, буйлама ва к<sup>^</sup>шдаланг деворлар орасидаги тулдирилмаган чоклар, осма панеллар буйлама ва кундаланг чоклари оркали таркалган холларга маълум.

- ✖ Купинча ёнгин курилиш конструкциялари (тусин, пардевор ва бошкалар) ёриклари, деворлар ёрикларидан таркалади. Ёнгинга карши девор ва бостирмаларни кесиб утган хаво утказгич, вал, конвейер, кабел ва бошка мухандислик тармоклари ёнгин таркалиб кетиши сабабчиси булган холлар хам кам эмас.
- ✖ Меъёрий талабларга кура, ёнгинга карши ташки деворлардаги тешиклар майдони умумий майдоннинг 25% дан ортмаслиги ва утга чидамлилиги чегараси 1,2 соатдан кам булмаслиги керак.

- ✖ **Ёнгинга карши девор.** Ёнгинга карши девор биноларни хажми буйича хона ва булинмаларга булиб турувчи конструкция. Ёнгинга карши девор – пойдевор (фундамент) ёки пойдевор балкасининг устига жойлашган булиб, бинонинг баландлиги буйича бинонинг конструкцияларни баландлиги буйича кесиб утади. Ёнгин булмаларининг майдони меъёрий хужжатларга асосан аникланади.
- ✖ **Тусиклар.** Тусик ёнгинга карши тусикларнинг бир тури хисобланиб, улар ишлаб чикариш сохаларида кенг кулланилади. Уларнинг асосий вазифаси ишлаб чикариш корхоналаридағи технологик жараённинг ёнгин хавфилилигига ва хар хил функционал вазифасига караб биноларнинг хоналарини булинмаларга булиш. Булинмаларга булишнинг асосий максади, күшни хоналарга захарли ва газ-буғли портлаш хавфи булган ёки чанг хаволи аралашманинг таркалишини чеклаш.

- ✖ Ёнгинга карши тусиклардаги эшик уринларини химоя килиш.
- ✖ Ёнгинга карши тусиклар эшик уринларини химоя килишга мулжамланган ёнгинга карши эшикларнинг турлари. Ёнгин шароитида бир каватли темир эшикнинг холати. Иссиликдан изоляция цилинмаган темир эшиклар ишлатшадиган вазиятлар. Утга чидамлилик талаб этилган чегарасини таъминлай оладиган эшиклар тузилишига куйиладиган талаблар. Ёнгинга карши тусик сифатида ёгоч эшиклардан фойдаланиш.
- ✖ Ёнгинга карши эшиклар ёнгинга карши деворлар ёки бошка ёнгиндан саклайдиган тик тусиклар эшик урнини химоя килишга мулжалланган.
- ✖ Ёнгинга карши эшиклар тури ва уларнинг утга чидамлилиги минимал чегарасини ШНК, 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги» жадвалига мувофик кабул килиш керак.

Ёнгинга тусиклар карши	Ёнгинга карши тусиклар ва тусик кисмларининг турлари	Ёнгинга карши тусиклар ва тусик кисмларининг оловга бардошлилик чегараси,с
Ёнгинга карши эшик	1 2 3	1,2 0,6 0,25

Эшиклар бинони булмаларга ажратадиган ёнгинга карши деворларда, турли даражада ёнгинга хавфли булган ва турли вазифаларни бажарадиган ишлаб чикириш хамда функционал жараёнларни бирбиридан ажратиб турадиган пардеворларда урнатилади. Бир бинода турли жараёнлар туплангани сабабли ёнгинга карши пардеворлар вазифаси, демак, эшик-деразалар урнини химоя килиш масаласи хам катта ахамиятга эга булади.

Портлаш ва ёнгиндан хавфли ишлаб чикириш корхоналарида зина катакларини химоялаш учун алоҳдда ахамият берилади. Амал килаётган ёнгинга карши меъёрларга мувофик, зина катагидан А ва Б тоифаларига оид ишлаб чикириш хоналарига кириш жойларида ёнгинга карши эшиклар билан химояланган булиши керак. Енгинга карши эшиклар оммавий равишда ишлатилиши сабабли уларнинг турли тоифалари ишлаб чикилган.

- ✖ 3. Ёнгинга карши деворларга куйиладиган меъёрий хужжатларнинг талаблари.
- ✖ Ёнгинга карши деворларнинг оловга бардошлилиги, мустсцкамлиги. Курилиш конструкцияларини ёнгинга карши деворлар билан ажратиш. Ёнгинга карши деворларнинг газ утказмаслиги. Шакли узгартириладиган ёнгинга карши туциклар. ШНК, 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги» меъёрий хужжатига асосан ёнгинга карши деворларга куйидаги асосий талаблар куйилади.
  - Курилиш конструкцияларининг махкамланиш тугун (узел)ларининг олов бардошлиги, конструкциянинг талаб этиладиган олов бардошлигидан кам булмаслиги керак;
  - Ёнгинга карши туциклар бинонинг тушиб турувчи деворлар билан туташув жойида, шу жумладан, бинонинг шакли узгарадиган жойда, бу туциклардан четлаб утиб, ёнгинни таркатмаслигини таъминловчи тадбирлар назарда тутилиши лозим.

- ✖ - Биноларни ёнгин булимларига ажратувчи ёнгинга карши деворлар, бинонинг баландлиги буйича кутарилиши ва ёнгин учоги томонидаги бино конструкцияси кулаб тушганда, ёнма-ён жойлашган ёнгин булинмасига ёнгин таркалмаслигини таъминлаши лозим.
- ✖ - Ёнгинга карши деворлар пайдеворга ёки пайдевор тусинларга таяниши ва бинонинг баландлиги буйича жойлашган конструкцияларни (ора ёпмаларни) кесиб утиши лозим. Ёнгинга карши деворлар таянчга урнатилган булса, таянч конструкцияларнинг ёнгин бардошлиқ чегараси деворларнинг ёнгин бардошлиқ чегарасидан паст булмаслиги керак.
- ✖ - Чордокли ёки чордоксиз копламанинг бирор кисми (том тушамасидан ташкари) Ё3-(меърида ёнувчан), Ё4-(кучли ёнувчан) меърида ёки кучли ёнувчи материалдан ясалган булса, унда ёнгинга карши девор томдан камида 60 см кутарилиб туриши керак:

- ✖ - агарда, чордокли ёки чордоксиз копламанинг бирор кисми (томушамасидан ташкари) Ё1-(кучсиз ёнувчан), Ё2-(мультадил ёнувчан) ёниши кучсиз ёки мультадил булган материаллардан ясалган булса, бундай девор копламадан камида 30 см кутарилиб туриши керак;
- ✖ -агарда, чордокли ёки чордоксиз копламанинг барча элементлари (томушамадан ташкари) ёнмайдиган материаллардан ясалган булса, ёнгинга карши деворлар томдан кутарилиб туриши шарт эмас.
- ✖ - Ташки деворлари меъёрида ёки кучли ёнувчи материалдан ясалган (Г3, Г4 гурухлар) биноларда ёнгинга карши деворлари бу деворларни кесиб утиши хамда деворнинг ташки сатхидан 30 см дан кам булмаган масофада буртиб чикиб туриши лозим.
- ✖ - Ёнгинга карши деворларда шамоллатиш ва тугун чикариш каналларини урнатиш учун каналнинг хар томонидаги ёнгинга карши деворнинг утга чидамлилиги чегараси 1- тоифадаги деворларда 2,5 соатдан кам булмаслиги, 2- тоифадаги деворларда эса 0,75 соатдан кам булмаслиги шарт. Ёнгинга карши тусикларни кесиб утадиган хаво утказиш йуллари лойихасини тузишда КМК, 2.04.05-97 га таяниш керак.

- ✖ 4. Ёнгинга карши парда.
- ✖ Ёнгинга карши парданинг вазифаси ва унга куйиладиган талаблар. Ёнгинга карши парданинг тузилиши. Парда каркасини иссиклиқдан химоялаш. Пардани кучириш ва унинг четларини герметизация килиш.
- ✖ Ёнгинга карши парданинг вазифаси - сахнада ёнгин содир булганда пешток тешигини зич ёпиб, томошабинлар залига ёнгин ва тугунни утказмасликдир. Томошабинлар залини сахнадан ажратиб турадиган пешток тешиклари анча катта булиб, 8x10 метрдан 15x30 метргача булиши мумкин. Бундай катта жойларни ёнгинга карши парда билан тугри тусиш мураккаб масаладир. Ёнгинга карши парда 800 ва ундан куп уринга эга кар бир томоша жойида (театр, клуб, маданият саройи ва бошкаларда) урнатилиши лозим

- ✖ Ёнгинга карши пардалар куйидаги кисмлардан иборат: каркас, кутариш ва тушириш механизми, зичлаш (герметизация) боглари. Кутариш ва тушириш механизмига кура ёнгинга карши пардалар икки турга булинади: суриладиган ва кутарилиб-тушадиган.
- ✖ Ёнгинга карши парда полотноси курилиш пештоги (портали) уймасининг юкоридан 0,2м масофага ёпмоги лозим. Ёнгинга карши парданинг харакати 0,2м/с тенг.
- ✖ Ёнгинга карши булмаларда секцияларнинг майдони 500-600м<sup>2</sup> тенг булиши керак.
- ✖ Ёнгинга карши парданинг ҳдмоя килинмаган каркаси юкори харорат таъсирида деформацияланиши туфайли ёниш махсулотлари томошибинлар залига утиши мумкин. ундей булмаслиги учун сахна томонидан каркас иссиклик утказмайдиган материал билан копланади. Иссиклик утказмайдиган материал ёнмайдиган булиши керак, унинг хажм массаси ва иссиклик утказиш коэффициента катта булмаслиги керак. Иссиклик утказмайдиган копланадан плиталар ясалади. Бу плиталар кат-кат килинган пулатга махкамланади, пулат эса, уз навбатида, парда каркасига махкамланади.

- ✖ **Захирадаги чикиш йуллари тушунчаси.**
- ✖ Захирадаги эвакуация чициш йули тушунчаси. Захирадаги эвакуация чициш йули тушунчаси. Эвакуация чициш йулларининг меъёрий хужжатлар талаб этадиган сони.
- ✖ ЁҲК.-01-97 меъёрий хужжатига асосан захира чикиш йулларига куйиладиган талаблари:
  - ✖ 1. Захира чикиш йуллари сони, кенглиги, узунлиги, ёритиш шартлари ва тутундан химоялаш шароитлари курилиш лойиха меъёр талабларига жавоб бериши керак.
  - ✖ 2. Барча захира чикиш эшиклар бинодан чикиш томонига осон очилиши керак. Хоналарда одамлар бор вакгларида эшиклар ичкари томонидан енгил очиладиган килиб кулфланиши мумкин.
- ✖ **3. Такикланади:**
- ✖ - зинапоя майдончаларини, зинапояларни, йулакларни, лифт холларини кенглигини хар хил мебел, шкаф, ускуна ва бошкалар билан тушиб куйиш хамда чикиш эшикларини михлаб ташлаш;

- ✖ - хоналарда чикиш жойларида (дахлизларда) хар хил кийим куритиш жойлари, гардероб ва бошкалар куриш (шахсий турар жойлардан ташкари) хамда хар хил нарсаларни, материалларни саклаш;
- ✖ - чикиш йулларда турникетлар, суриладиган, айланадиган эшиклар урнатиш ва бошка инсонларнинг хонани ёки бинони эркин холда тарк этишларига халакит берадиган мосламалар урнатиш;
- ✖ - захира чикиш йуллари (оловга чидамлилиги V-даражали булган бинолардан ташкари) деворлари шифт ва полларига ёнувчи курилиш материаллари билан ишлов бериш буёклаш хамда зина ва зинапояларни ёнувчи курилиш материалларидан куриш ёки ишлов бериш;
- ✖ - йулак, холл, дахлиз, ва зинапояларда урнатилган узи ёпиладиган эшикларни очик холатда ушлаш (агарда ёнгин вактида автоматик холда ёпилиш мосламаси урнатилмаган булса) ва уларни олиб куйиш;

- ✖ тутундан химояланган зинапояларда хаво пурковчи мосламаларни ойнаклаш ёки ёпиш;
- ✖ - эшик ва дарчаларга урнатилган симли ойналарни оддий ойналарга алмаштириш.
- ✖ 4. Кургазмали технологик ёки бошка ускуналарни хонага урнатгандан захира чикиш йуллари лойиха меъёри талабларига жавоб бериши керак.
- ✖ 5. Ахоли куплаб тупланадиган бинолар хизматчилари электр энергияси учиб колганида фойдаланишлари учун электр фонарлар билан таъминланган булишлари керак. Корхонада ишловчи ходимлар сони раҳбар томонидан белгиланади бунда навбатчи хизматчиларнинг сони корхонанинг узига хослигидан келиб чиккан холда олинади. Фонар сони хар бир навбатчи хизматчига биттадан кам булмаслиги керак.
- ✖ 6. Ахоли куп йигиладиган биноларга тушалган гилам, пояндозлар полга маҳкам котирилган булиши керак